

**“ТАСДИҚЛАНГАН”**

Акциядорларнинг  
2019 йил 11 октябрдаги навбатдан  
ташқари Умумий йиғилиши  
қарори билан

(2019 йил 11 октябрдаги  
баённома)

**“AGRO FINANS LIZING”** акциядорлик жамиятининг  
**“Кузатув кенгаши тўғрисида”**ги  
**НИЗОМИ**

Тошкент шаҳри - 2019 й.

## **I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1.1. Мазкур Низомда Жамиятнинг кузатув кенгашини (кейинги ўринларда матнда “Кузатув кенгаши” деб юритилади) ташкил этиш ва унинг фаолият тартибини, аъзоларини сайлашни, шунингдек уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб берувчи намунавий нормалар мавжуд.

1.2. Кузатув кенгаши Жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, қонун ва Жамият устави билан акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига киритилган масалалар бундан мустаснодир.

1.3. Жамият Кузатув кенгаши таркиби 8 аъзодан иборат бўлиб, акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан 1 (бир) йил муддатга сайланади.

## **II. КУЗАТУВ КЕНГАШИНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ**

2.1. Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

Жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чоратадбирлар тўғрисида Жамият ижроия органининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда Жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

Жамият акциядорларининг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқлариини ҳимоя қилиш тўғрисидаги”ги Қонунининг 65-моддасининг ўн биринчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;

акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;

акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун Жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқлариини ҳимоя қилиш тўғрисидаги” Қонунининг 59-моддаси биринчи қисмининг иккинчи хатбошисида назарда тутилган масалаларни акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш;

Жамиятнинг Бошқарув аъзоларини (раисдан ташқари) сайлаш (тайинлаш), уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

Жамият Бошқарув раисининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, унинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлаш;

эмиссиявий қимматли қоғорларни жойлаштириш тўғрисида қарорларни қабул қилиш;

мол-мулкнинг бозор қиймати белгиланишни ташкил этиш;

амалдаги қонунчиликда ва мазкур Уставда назарда тутилган ҳолатларда, Жамият томонидан жойлаштирилган акция ва бошқа қимматли қоғозларни сотиб олиш тўғрисида қарорларни қабул қилиш;

корпоратив маслаҳатчисини тайинлаш;

Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш;

ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;

аудиторлик текширувини ўтказиш (мажбурий аудиторлик текшируви бундан мустасно), аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

Жамиятнинг ижроия органи фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатдан эркин фойдаланиш ва ижроия органидан кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун уларни олиш. Олинган ҳужжатлардан кузатув кенгаши ва унинг аъзолари фақат хизмат мақсадларида фойдаланишлари мумкин;

ижроия органига тўланадиган ҳақ ва компенсациялар миқдорини белгилаш;

Жамият тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари юзасидан тавсиялар бериш;

акциялар бўйича дивидендлар миқдори ва уларни тўлаш тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

Жамиятнинг захира ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

Жамиятнинг бошқарув органлари фаолият тартибини белгиловчи ҳужжатларни тасдиқлаш;

Жамиятнинг ваколатхоналарини очиш ҳамда филиалларини ташкил этиш;

Жамиятнинг шўъба ва тобе корхоналарини ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқлариини ҳимоя қилиш тўғрисидаги”ги Қонунининг 8 ва 9-бобларида назарда тутилган ҳолларда битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш;

Жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;

Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш масалаларини, шунингдек Жамият уставига Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш ҳамда Жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалаларни ҳал қилиш;

Жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;

Жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

Жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарор ва эмиссия рисоласини тасдиқлаш;

қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарорга ва эмиссия рисоласига киритилаётган ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар матнини тасдиқлаш.

2.2. Жамият кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар ҳал қилиш учун Жамият Ижроия органига ўтказилиши мумкин эмас.

### **III. КУЗАТУВ КЕНГАШИНИ САЙЛАШ**

3.1. Жамиятнинг кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш қонунда ва Жамият уставида назарда тутилган тартибда акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан амалга оширилади.

3.2. Жамият кузатув кенгаши аъзолари таркибига сайланган шахслар чекланмаган ҳолда қайта сайланишлари мумкин. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарори бўйича Жамият кузатув кенгаши ҳар қандай аъзоси (барча аъзолари)нинг ваколатлари муддатидан олдин тўхтатилиши мумкин.

3.3. Жамият Бошқаруви аъзолари ва унинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларида меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар ва ушбу жамиятлар бошқарув органларининг аъзолари Жамият Кузатув кенгашига сайланиши мумкин эмас.

Жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар Жамият Кузатув кенгаши аъзоси бўлиши мумкин эмас.

3.4. Кузатув кенгашига қонунда назарда тутилган тартибда ушбу Жамиятнинг акциядорлари ҳисобланмаган шахслар ҳам сайланиши мумкин.

3.5. Жамият кузатув кенгаши таркибига сайлаш учун номзодларга қўйиладиган талаблар устав ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори билан белгиланади.

3.6. Акциядор ўзига тегишли акциялар бўйича овозларни Жамият кузатув кенгашининг битта номзодига тўлиқ беришга ёки бир нечта номзод ўртасида тақсимлашга ҳақлидир.

3.7. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар кузатув кенгаши таркибига сайланган деб ҳисобланади.

3.8. Жамиятнинг кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади.

3.9. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони Жамиятнинг кузатув кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тариқа олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки уларни икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақлидир.

### **IV. КУЗАТУВ КЕНГАШ РАИСИ**

4.1.Жамият кузатув кенгаши раиси, агар Жамият уставида ўзгача қоида назарда тутилмаган бўлса, кузатув кенгаши аъзолари томонидан унинг таркибидан кузатув кенгашига сайланган аъзолар умумий сонининг кўпчилик овози билан сайланади.

4.2.Жамиятнинг кузатув кенгаши ўз раисини кузатув кенгаши аъзолари умумий сонининг кўпчилик овози билан қайта сайлашга ҳақлидир, агар Жамият уставида бошқача ҳол назарда тутилмаган бўлса.

4.3.Жамиятнинг кузатув кенгаши раиси, агар Жамият уставида ўзгача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, унинг ишини ташкил этади, Кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва унга раислик қилади, мажлисларда баённома юритилишини ташкил этади, Акциядорлар умумий йиғилишини очади ва унда раислик қилади.

4.4.Жамият кузатув кенгашининг раиси йўқ бўлган ҳолларда унинг вазифасини Кузатувчи кенгаш аъзоларидан бири бажаради.

4.5.Кузатув кенгаши раиси, ижроия органи раҳбари билан тузилган шартномани Жамият номидан имзолайди.

## **V. КУЗАТУВ КЕНГАШИ МАЖЛИСИ**

5.1.Жамият кузатув кенгашининг мажлиси кузатув кенгашининг раиси томонидан унинг ташаббусига кўра, Жамият кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси, ижроия органи аъзосининг, Жамият ижроия органи, шунингдек Жамият уставида белгиланган бошқа шахсларнинг талабига кўра чақирилади.

5.2.Жамиятнинг уставида кузатув кенгаши мажлисини чақириш ва уни ўтказиш тартиби белгиланади. Кузатув кенгаши мажлиси, қоидага кўра, йил чорагида камида бир марта ўтказилади.

5.3.Кузатув кенгаши мажлисини ўтказиш учун кворум Жамият уставида белгиланади, лекин у Кузатув кенгаши сайланган аъзолари умумий сонининг 75 фоизидан кам бўлмаслиги керак.

5.4.Кузатув кенгаши аъзолари сони уставда назарда тутилган 75 фоиздан кам бўлган тақдирда, Жамият Кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш учун Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириши шарт. Кузатув кенгашининг қолган аъзолари Акциядорларнинг бундай навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилишга, шунингдек Жамият Бошқаруви раисининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, унинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлашга ҳақлидир.

5.5. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар, агар “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунида ва Жамият уставида ўзгача ҳол назарда тутилмаган бўлса, мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган ҳолда, Жамият Кузатув кенгаши раисининг овози ҳал этувчи ҳисобланади.

5.6.Жамият кузатув кенгаши мажлисида масалалар бўйича қарорлар қабул қилишда кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси бир овозга эга бўлади.

5.7.Жамият кузатув кенгаши бир аъзосининг овозни кузатув кенгашининг бошқа аъзосига беришига йўл қўйилмайди.

5.8.Жамият кузатув кенгашининг мажлисида баённома юритилади. Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилганидан сўнг ўн кундан кечиктирмай тузилади.

5.9.Мажлис баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

мажлис ўтказилган сана, вақт ва жой;

мажлисда ҳозир бўлган шахслар;

мажлисининг кун тартиби;

овоз беришга қўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш яқунлари;

қабул қилинган қарорлар.

5.10. Жамият кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этаётган Жамият кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади.

Жамият кузатув кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) Жамият кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин.

Жамият кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси имзоланган куни Жамиятнинг ижроия органига ижро этиш учун топширилади. Кузатув кенгаши акциядорларнинг умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда мазкур қарор ҳақидаги ахборот Жамиятнинг ижроия органига кузатув кенгашининг мажлиси ўтказиладиган куни топширилади.

## **VI. КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

6.1.Кузатув кенгаши аъзоси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Кузатув кенгаши мажлисида шахсан қатнашиш, мажлисда муҳокама қилинаётган масала юзасидан регламент билан ажратилган вақт доирасида сўзга чиқиш;

Кузатув кенгаши қарорига кўра муайян даврда Жамиятнинг фаолияти, уни ривожлантириш режалари тўғрисида ахборот олиш;

Кузатув кенгашида ишлаганлик учун (агар тақдирлаш пули тўлаш Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши қарорида назарда тутилган бўлса) тақдирлаш пули ва (ёки) харажатларнинг компенсациясини олиш.

6.2.Кузатув кенгаши аъзолари ўртасида вазифаларни тақсимлаш кузатув кенгаши раиси томонидан кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси учун аниқ амалга оширилади. Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси учун тақдирлаш пули миқдори фаолият самарадорлиги (Жамият йиллик бизнес-режасининг тасдиқланган параметрлари, яъни Жамиятда ишлаб чиқариш ўтган йилга нисбатан ўсганлиги,

фойданинг кўпайганлиги ва дивиденд тўловлари ошганлиги)га қараб акциядорлар умумий йиғилиши томонидан белгиланади.

6.3.Кузатув кенгашининг Жамият битишув тузишидан манфаатдор бўлган аъзоси ўз манфаатдорлиги тўғрисида кузатув кенгашига битишув тузилиши пайтигача Жамиятга маълум қилиши шарт, битишув тўғрисидаги қарор эса кузатув кенгаши томонидан, қонунда назарда тутилган ҳолларда, тегишли равишда кузатув кенгаши аъзолари ёки бундай манфаатдорлиги бўлмаган акциядорларнинг кўпчилик овози билан акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

6.4.Кузатув кенгаши аъзолари, агар улар, уларнинг эр-хотинлари, оналари, болалари, ака-укалари, опа-сингиллари, шунингдек уларнинг аффиляция қилинган барча шахслари:

бундай битишувнинг томонлари ҳисоблансалар ёки унда вакил ёки воситачи сифатида қатнашсалар;

битишувларнинг томони ҳисобланган ёки унда вакил ёки воситачи сифатида қатнашадиган юридик шахснинг йигирма ёки ундан кўп акциялари (улушлар, пайлари) фоизига эга бўлсалар:

битишув томони ҳисобланган ёки унда вакил ёки воситачи сифатида қатнашадиган юридик шахснинг бошқарув органларида лавозимни эгаллаб турган бўлсалар, шахсий манфаатдорликка эга ҳисобланадилар.

6.5.Кузатув кенгаши аъзолари кузатув кенгаши томонидан у ёки бу қарорларни қабул қилишга таъсир кўрсатганлик учун бевосита ёки билвосита ҳақ олиш ҳуқуқига эга эмас.

6.6.Кузатув кенгаши аъзолари Жамият имкониятлари (мулкӣ ва номулкӣ ҳуқуқлар, хўжалик фаолияти соҳасидаги имкониятлар, Жамиятнинг фаолияти ва режалари тўғрисидаги ахборот)дан шахсий бойлик орттириш мақсадида фойдаланиш ҳуқуқига эга эмас.

6.7.Кузатув кенгаши аъзолари ўзларининг лавозим мажбуриятларини ҳалол, шунингдек Жамият манфаатлари йўлида улар энг яхши деб ҳисоблайдиган усул билан амалга оширишга мажбурдирлар.

## **VII. КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИГА ҲАҚ ТЎЛАШ ТАРТИБИ**

7.1.Кузатув кенгаши аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун ҳақ тўланиши ва (ёки) ўз вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатларининг ўрни қопланиши мумкин.

7.2.Кузатув кенгаши аъзоларига ҳар бирига ҳар ойи МХТЭКМнинг 35 баробари миқдорида ҳақ тўланади.

7.3.Кузатув кенгаши аъзоларига акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига мувофиқ ҳисобот йили яқунлари бўйича рағбатлантириш тўловлари амалга оширилиши мумкин.

7.4. Кузатув кенгаши аъзоларига ҳисобот йили яқунлари бўйича рағбатлантириш тўловлари миқдори Жамият фаолиятининг молиявий натижалари билан боғлиқ бўлади ҳамда Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори билан белгиланади.

7.5. Кузатув кенгаши аъзоларининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган ва Кузатув кенгаши янги таркиби сайланган тақдирда, уларга ҳисобот йили яқунлари бўйича рағбатлантириш тўловлари ишлаган давр учун ҳар бир аъзога мутаносиб равишда тўланади.

7.6. Кузатув кенгаши аъзоларининг маълумотлари уларнинг аризалари асосида аниқланади.

7.7. Кузатув кенгаши аъзоларига тўланадиган ҳақ Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилигида белгиланган тартибда солиққа тортилади.

### **VIII. КУЗАТУВ КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

8.1. Жамият кузатув кенгашининг аъзолари Жамият олдида қонун ҳужжатларига ва Жамият уставига мувофиқ жавоб берадилар. Бунда овоз беришда қатнашмаган ёки Жамиятга зарар етказувчи қарорга қарши овоз берган Жамият кузатув кенгаши аъзолари жавобгарликдан озод қилинади.

8.2. Жамият ёки Жамиятнинг жойлаштирилган оддий акцияларининг умуман олганда камида бир фоизига эга бўлган акциядор (акциядорлар) Жамиятга етказилган зарарларни қоплаш тўғрисида кузатув кенгаши аъзосига нисбатан даъво билан судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

"AGRO FINANS LIZING" АЖ  
Бошқарув раиси



А.Н.Холмуратов



Рақамланган, тикилган ва муҳриланган.

Жами \_\_\_\_\_  
баракдан иборат.

Бошқарув раиси \_\_\_\_\_ А.Н.Холмуратов

Бош ҳисобчи \_\_\_\_\_ Ш.Д.Бобомуродов

